Илм ўзни билмакдир

# Маърифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 18 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 6 (6902)

*Даъват*

«Гуноҳларнинг энг каттаси ёлғон сўзламоқдир.»
(Ҳадис)

*Ибрат*

*Навоий паррандачилик фабрикасига қарашли лицей-интернат очилди. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили фанлари чуқурлаштириб ўргатиладиган бу лицейда 60 нафар талаба тест синовлари асосида қабул қилинади.*

## ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида социалистик лагернинг парчаланиши ўлароқ, янги мустақил давлатларнинг юзага келиши жаҳон сиёсий харитасига сезиларли ўзгаришлар киритди. Жумладан шу даврда Марказий Европада жойлашган Чехословакия мамлакати ўрнида ҳам ҳар бири мустақил бўлган, демократик ва ҳуқуқий давлат ҳисобланган Чехия ва Словакия республикалари вужудга келди. Бу ҳар иккала мустақил давлат ҳам сўнгги йилларда ўз иқтисодий барқарорликларини тиклаб олди, яъни иқтисодиётларда бозор муносабатларини шакллантиришда катта ютуқларга эришди.

Сўнгги пайтларда мамлакатимизнинг Чехия ва Словакия республикалари билан бўлган ҳамкорлиги яхши изга тушиб олганлигини кузатиш мумкин. Хусусан мустақил давлатимиз Ўзбекистоннинг Чехия билан дипломатия муносабатлари 1993 йил ўрнатилди. Шу йили имзоланган савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги битим мамлакатларимиз ўртасида собиқ Шўролар давлати парчалангандан кейин узилиб қолган иқтисодий алоқаларнинг қайта тикланиши ва равнақ топишига асос бўлди.

Чехия билан ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган йили мамлакатимиз Словакия Республикаси билан ҳам дипломатия муносабатларини ўрнатган эди. Словакия давлати билан бўлган алоқаларимизнинг асосини ҳам савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик ҳамда сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида имзоланган битимлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ҳақида ҳам ҳужжат имзоланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Чехия давлати билан ўрнатилган ҳамкорлик натижаси ўлароқ, бу мамлакатдан юртимизга транспорт воситалари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, турли-туман маиший буюмлар, каучук ва елим маҳсулотлари келтирилмоқда. Чехия Ўзбекистондан асосан пахта ва пахта толаси, рангли металлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олмоқда.

Словакия давлати ҳам Ўзбекистондан пахта толаси, турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш билан бир қаторда бизга асосан тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар, дори-дармонлар экспорт қилмоқда. Ҳар иккала давлатнинг ҳам кўплаб йирик фирмалари Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очганлари ҳолда қизғин фаолият юритмоқдалар.

Сиёсий жиҳатдан ва жойлашган ўрни жиҳатидан ҳам Европа қитъасининг таркибий қисми ҳисобланмиш мазкур давлатлар билан мамлакатимиз ҳамкорлигининг кенгайиши барча томонлар учун манфаатлидир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 14-17 январь кунлари бу икки давлатга буюрган ташрифи ҳам шу маънода жуда самарали бўлди. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Чехия, Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги ҳамкорликлар ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Чехияга бўлган ташрифи чоғида Президент Вацлав Гавел ва Бош вазир Вацлав Клаус билан музокаралар ўтказди. Ушбу музокаралар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожи учун кенг имкониятлар борлигини кўрсатди. Президентимиз бу давлатнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. «ЧКД Прага холдинг» ҳиссадорлик жамияти ҳамда унинг заводига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан ҳам танишди.

Президент Ислом Каримовнинг Словакия Республикасига бўлган ташрифи ҳам самарали кечди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Словакия Президенти Михал Ковач, Словакия Миллий Кенгаши раиси И. Гашпарович билан мулоқотда бўлди. Музокаралар сўнггида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф чоғида ечилган кўплаб масалалар тез орада ўзининг ижобий самараларини бера бошлашига шубҳа йўқ.

**«Маърифат» шарҳловчиси.**



*Сиз суратда кўриб турган истараси иссиқ бу аёл Тошкент шаҳридаги 63-ўрта мактабда бошланғич синфларга 30 йилдан буён дарс бериб келмоқда.*

**СУРАТДА:** ***Хосият Муҳаммаджонова 1-синфларга математика фанидан сабоқ бераётган лаҳзаси акс эттирилган.***

**Р. АЛЬБЕКОВ** *олган сурат.*

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**• Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганлигининг 70 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз геологларига қизғин ва самимий табрик йўллади.**

**• Муборак Рамазон ойи муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳусни Муборакдан, Эрон Ислом Республикасининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжонийдан табрик хати келди. Шу мазмундаги мактублар дунёнинг кўпгина мамлакатлари раҳбарлари ҳамда йирик-йирик диний ташкилотлар ҳамда компаниялари бошлиқларидан ҳам келиб турибди.**

**• Вена шаҳрида Австрия Ташқи ишлар вазирлиги Вена Шарқ Академияси билан ҳамкорликда Хаммер Пурчшталл номли «Ориент» жамияти қошида Жанубий Кавказ ҳамда Марказий Осиё республикалари «Ахборот маркази» очилди.**

**• Россия Президенти Б. Ельциннинг устма-уст хасталаниши мамлакат давлат думасини Россия раҳбарининг саломатлиги масаласини ҳатто ялпи мажлисда кўриб чиқишга ундамоқда.**

**• Буюк Британия парламенти мамлакатнинг амалдаги йилга мўлжалланган бюджетини ниҳоят сиёсий кескинликларсиз тасдиқлади.**

**• Италиянинг ўтган йилги бюджет камомади эса 138.500 миллиард лирани ташкил этди. Бу Италия ялпи миллий даромадининг 7 фоизини ташкил этади.**

**• Болгариянинг янги сайланган Президенти Петр Стояновнинг давлат раҳбари сифатида фаолиятини бевосита бошлаши арафасида София шаҳрида намойишчилар парламентга муддатдан олдин сайловлар ўтказилишини талаб қилишмоқда.**

**Республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ҳузурида Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Болалар шоирлари, бастакорлар ва вазирликнинг масъул ходимлари иштирок этган мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида»ги қарори ва**

### «БАЙРАМ ДОИМИЙ БЎЛГАЧ...»

**унинг, хусусан халқ таълими тизимидаги аниқ ижроси хусусида сўз борди.**

**«Ўзбекистон қўшиқ байрами тараддудига ҳаммамиз якдил бўлиб, уюшқоқлик билан киришишимизни хоҳлайман, — деди йиғилишда Жўра Йўлдошев. — Бу байрам эндиликда бизнинг доимий байрамимизга айланиб қолди. Шундай экан, унга тайёргарлик ҳам доимий бўлиши лозим. Ўйлайманки, болалар қўшиқлари бастакорлари, болалар шоирлари бевосита болалар, ўсмирлар, умуман барча халқ таълими ходимлари билан тайёргарлик олиб боришса, юқори савиядаги қўшиқлар кўпайиши шубҳасиз.**

**И. БЎРИБОЕВ.**

*Ихтиро*

## ШАМСИДДИННИНГ «КЕЙС»И

### ёхуд молини сотиб комбайн ясаган муаллимнинг ихтироси тан олинадими?

Ғалла ўрим-йиғим мавсумида жуда кўп миқдорда дон нобуд бўлиб, майдонларда ҳосил қолиб кетади. Айниқса, сомон йиғиштириб олинганда бунинг исботини кўриш мумкин. Наҳотки, исрофгарчиликнинг олдини олиш мумкин бўлмаса? Олим ва ихтирочилар ана шулар ҳақида ўйлашса нетаркан? Шамсиддинни кўпдан буён ана шу муаммо ўйлантириб юрар эди.

Нима бўлди-ю аввалги йили ғалла ўрими мавсумида Сафохўжа қишлоғида ғалла ўраётган комбайн бузилиб қолди. Техникадан анчагина хабари борлиги учун жамоа хўжалиги бош муҳандиси Шамсиддиндан агрегатни кўздан кечириб беришни илтимос қилди. Камчилик тезда бартараф этилди. Кузатувчан йигитни ўша кез тўкилиб қолган буғдой доналари, айниқса, ачинтирди. Нима учун ўз меҳнатимизнинг қадрига етмаймиз? Шунча ҳосилни асраб қолишнинг наҳот бирон йўли топилмаса? Шу воқеа сабаб бўлди-ю унга ҳосилни нест-нобудсиз янчадиган кичик комбайн яратиш орзуси тинчлик бермай қўйди.

У аввало яратилаётган комбайннинг бир неча нусхадаги чизмаларини тайёрлади. Елдириб югурди. Ҳатто ҳовлисидаги боқиб юрган молларини сотиб, керакли эҳтиёт қисмлари, темир-терсакларни топиб келтирди. Қисқаси, бир йил ичида электр қуввати билан ишлайдиган, ғалла янчадиган кичик комбайн ихтиро қилинди.

Одамлар дастлаб Шамсиддиннинг ихтиросига эътиборсиз қарашди. Бу уларга шунчаки эрмак учун яратилгандек туюлди. Аста-секин бу агрегат бажараётган ишларини кўришгач, уларда ихтирога қизиқиш ортди. Комбайннинг афзаллик томонлари анча эди. Биринчидан агрегет ичига ўрнатилган парраклар буғдойнинг бирон донасини ҳам синдирмайди. Бу уруғ сифати учун ниҳоятда зарур. Иккинчидан, ундан чиққан сомонни бемалол молга емиш қилиб бериш мумкин. Ниҳоятда майда. Лой шувоқ учун айни муддао. Шунингдек унинг билан буғдой, шолини сомонидан, мошни, ер ёнғоқни пўстлоғидан ажратиш мумкин. Исрофгарчилик мутлақо йўқ ҳисобида. Катта комбайндан чиққан сомонни Шамсиддиннинг агрегатидан ўтказишганда ҳар тонна янчилган сомондан яна 90-100 килограммдан буғдой олинди.

Шамсиддин Турсуновнинг ихтироси тез орада тилга тушди. Унинг яратган янгилиги билан атрофдагилар ҳам қизиқа бошлашди. Жуда кўплаб хўжаликларнинг муҳандислари комбайндан нусха кўчириб олишга кела бошлашди. Чиндан ҳам унинг бу ихтироси деҳқон-фермер хўжаликлари учун қўл келадиган янгилик эди.

**(Давоми 4-бетда)**

*Мавзуга қайтиб*

## ТАЛАБАЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИЛДИМИ?

*Рейд*

Ҳозир давлатимиз тараққиётида муҳим жараён кечмоқда. У ҳам бўлса Фармон ва қарорларнинг, кўрсатмаларнинг ижроси бўйича назоратнинг кучайганлигидир. Шу билан бирга Республикамиз Президентининг ўз эътиборини қадриятларимизга, ёшларимиз тарбиясига, маърифат ва маънавиятга қаратаётгани ҳам диққатга сазовордир. Зеро, маънавияти юксак бўлган халқ қудратлидир.

Ўтган йилнинг 8-9 декабрь кунлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртлари ётоқхоналарига рейд уюштирилиб, талабаларнинг яшаш шароитлари, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун яратилаётган қулайликлар кўздан кечирилди. Айниқса, улардаги дарсдан ташқари ўқиш учун кутубхона ва дам олиш хоналаридаги тартибсизликлар бу масалага жиддий эътибор берилмаётганлигини кўрсатди. Шу мақсадда 10 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари А. А. Азизхўжаев бошчилигида катта мажлис ўтказилиб, республикамиз олий ўқув юртларида маданий-маърифий ишларнинг суст даражада олиб борилаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Талабаларнинг ақлан, маънан ва жисмонан соғлом тарбияланишлари учун барча шароитларни яратиб бериш ва қисқа муддат ичида барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарида «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш зарур вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Орадан қарийб бир ой ўтгач, шароит ўзгаряптимикин деган ниятда яна бир бор рейд ўтказилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг 1-ва 2 (?) — талабалар уйи қурилганда қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Рейд аъзолари талабалар уйида навбатчи ўқитувчи М. Мадиримовнинг ўз ўрнида йўқлигига, ҳожатхона эшигига қулф осилганлигига ва ювиниш хонасининг умуман йўқлигига гувоҳ бўлишди. 2-талабалар уйида (ростдан ҳам шундай бўлса, чунки эшикда на эски, на янги пешлавҳадан дарак бор) эса бундан ҳам баттар манзаранинг устидан чиқишади: ётоқхона коменданти (ўзининг айтишича) Рамиля Болтаевская ширакайф ҳолда чиқиб, уларни «бир пиёла чой»га таклиф этади. Қарангки, навбатчи ўқитувчи С. Йўлдошбеков ҳам ширакайф ҳолатда экан.

Талабаларга яратиб берилган (?) шароитнинг қай аҳволда эканлигини қуя туринг (бу ҳақда қуйида алоҳида тўхталамиз), иш вақтида, қолаверса, Талабалар шаҳарчасида (тағин ким — масъул шахслар) уларга ким ҳуқуқ берибдики, спиртли ичимликлар истеъмол қилишса!? Ёки улар вазирлик томонидан чиқарилган буйруқдан хабарлари йўқмиди?

Аҳволни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида 6 январь куни айнан ўша икки манзил томон йўналдик.

**(Давоми 2-бетда)**




### ТОШ ТУХУМ

АҚШ ва Мўғулистон ҳамкорлигидаги экспедицияга Гоби чўлидан динозаврларнинг тошга айланган тухумини топиш насиб этди. Аниқланган маълумотларга қараганда, динозаврларнинг тухумхўр деб ҳисобланган овирантроп номли тури кўринишидан даҳшатли ва қўпол бўлса-да, қуш қаби тухум босиб бола очган.

### МАЙМУН КОСМОНАВТ

Россиядан «Бион-11» тажриба космик кемасида фазога учирилган икки макак маймундан бири — Мультик мускул ва суяк тўқимасидан намуна олиш операциясида юракнинг тўхтаб қолиши туфайли ҳалок бўлди. Россия, АҚШ ва франциялик мутахассислар фикрича, бу маймуннинг соғлиги билан боғлиқ муваффақиятсизлик бўлди.

### КОИНОТГА НАЗАР

Хитой фанлар академиясининг аъзоси Ай Госининг маълумотига кўра, Хитой 500 минг юань ҳисобига Германиянинг техникавий ёрдамида дунёдаги энг катта — айланаси 1 метр, оғирлиги, 1,5 тонналик телескопни ишга тушириш ниятида. Телескоп бир неча миллион космик объектларни тадқиқ этиш имкониятини беради.

*Олий ўқув юртлари ҳаёти*

## ИҚТИСОДГА ИХЛОС БИЛАН

Ҳа, иқтисод деганлари бугун барчамизни бир қур сергак торттириб қўйди. Биз иқтисод ҳақида кўп гапирсакда, бироқ у ҳақда кам билишимизни дафъатан англаб қолдик. Чунки шу пайтгача, тўғрироғи эски тузум ҳукмронлиги даврида иқтисод илмига панжа орасидан қараб келинар, бу серғалва фанни айрим мутахассислар билишса етарли деб тушуниларди. Бозор муносабатлари эса бошқа бир ярми аччиқ, ярми ширин ҳақиқатни тушунтириб қўйди. Йўқ, иқтисод илмидан барча — етти яшардан етмиш яшаргача баҳоли қудрат, имкон ва эҳтиёж даражасида хабардор бўлиши шарт экан. Шунинг учун ҳам Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган узлуксиз таълим концепциясида бу зарур илмга катта эътибор берилган. Очиқроғи, болалар боғчаларидан тортиб энг йирик олий ўқув юртигача иқтисодий билимлар бериб боришнинг йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган. Хўш, олий ўқув юртидаги дарс жараёнларини ҳар ҳолда озми-кўпми тасаввур этишимиз мумкин, бироқ боғча, мактабларда иқтисод сабоқлари қай йўсинда олиб борилади? Биринчидан бу борада тажрибалар деярли йўқ, иккиламчи, иқтисод илмидан дарс бера оладиган кадрлар анқонинг уруғи. Дарҳақиқат, қийин муаммо. Демак, боғчалар, ўрта мактаблар учун иқтисодчи-педагог кадрлар зарур. Мана, Халқ таълими вазирлиги бу борада жиддий ишга киришди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишиб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтидан бир неча гуруҳ талабаларни Тошкент Молия институтига, Тошкент иқтисодиёт университетига ўтказди. Ахир чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин-да, иқтисодчи-педагоглар энг аввало шу олий ўқув юртлари аудиторияларидан чиққани маъқул.

Айни кунда Тошкент молия институтида 18 нафар иқтисодчи-педагог таҳсил олмоқда. Улар махсус танловлардан ўтгач, Низомий номли Тошкент давлат педагоги-

**(Давоми 2-бетда)**

### МММ ХАБАРЛАРИ

### БАЙРАМ УЧРАШУВИ

*Фарғона шаҳар санъат билим юрти талабалари билан Фарғона ҳарбий округи десантчилари ўртасида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда катта лейтенант А. Денисов Ватан ҳимоячиларининг қасамёдига содиқлиги, Ватан олдидаги бурчлари ҳақида гапириб ўтди. Десантчи-зобитлар эса ўзларининг ҳарбий машқларини маҳорат билан аъло даражада талабаларга намойиш этдилар. Талабалар эса ўз навбатида зобитларни байрам билан табриклаб, ўзларининг куй-қўшиқларини армуғон этишди.*

### ДЎМБИРАНИНГ ЭГАСИНИ ЭСЛАБ

*Яқинда Ўзбекистон ва Қорақолпоғистон халқ бахшиси Қурбонбой Тожибой ўғли таваллудининг 120 йиллигига бағишланган Н. Довқораев номидаги тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишда институт ректори С. Баҳодирова, филология фанлари номзоди М. Низомиддинов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Қ. Мамитназаровлар бахшининг ўзига хос бадиий фаолияти хусусида маъруза қилишди.*

### ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

*Жиззах шаҳридаги 32-болалар интернатида хайрия тадбири ўтказилди. Унда шаҳар ҳокимлиги томонидан болаларга совғалар улашилди. Бу хайрия тадбирида шаҳар маданият уйига қарашли жамоалар болалар кўнглини хушнуд этдилар. Тадбирлар вилоятнинг барча меҳрибонлик уйларида ўтказилмоқда.*

### ТАШРИФ ТАНТАНАГА АЙЛАНДИ

*Наманган вилояти Норин тумани ва шаҳар ҳокимлигининг бир гуруҳ вакиллари Термиз шаҳрида йигитлик бурчини адо этаётган аскар йигитлар ҳузурига ташриф буюрдилар. Ҳаққулобод шаҳар ҳокими котиби Н. Сатторов бошлиқ бир гуруҳ вакиллар эса Термиз шаҳар ҳарбий чегарачилар қисмида бўлишиб, у ердаги аскарларнинг яшаш шароитлари, хизмат бурчлари ва вазифалари билан яқиндан танишдилар.*

*Ташриф чоғида шаҳар маданият ишлари бўлими мудири И. Абдуллаев аскарларни ўтган байрамлари билан табриклади ва туман ҳокимлигининг совғаларини топширди. Ҳаққулобод шаҳар маданият уйи қошидаги «Норин навоси» бадиий ҳаваскорлик жамоаси ўзининг ранг-баранг замонавий куй-қўшиқлари билан аскарларни хушнуд этди.*

**МУАЛЛИФЛАР: М. КАРИМОВА, Ғ. ЁҚУБОВ, С. ЖЎРАЕВА.**

МММ ХАБАРЛАРИ

# МАЪНАВИЯТ БАРЧАГА БАРОБАР

Хусусан, ёшларга ҳам. Зеро, ўқувчи-ёшларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни янада такомиллаштириш вазифалари бўйича машғулот олиб борган республика илмий-амалий семинарининг ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Бу семинарда бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, республикамизнинг олий ўқув юртлари ректор ва проректорлари қатнашдилар.

Хўш, Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони олий ўқув юртлари ҳаётига қандай татбиқ этиляпти? Маълумки, олий ўқув юртлари ректорларининг биринчи ўринбосарлари маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректорлар дея атала бошлади. Айни кунда улар ўз вазифалари юзасидан фаол иш бошладилар. Ўқув муассасаларида, талабалар ётоқхоналарида «Маънавият ва маърифат» марказлари ташкил этилмоқда, халқнинг бой маданий меросини, миллий маросимлар ва урф-одатларни ўрганишга бағишланган маърузалар уюштирилмоқда. «Маънавият — қалбим қуёши» мавзуида талабалар асарларининг янги республика танлови бошланди. Энг яхши асарлар мукофотлар билан тақдирланади ва махсус тўпламда эълон қилинади.

Шу билан бир вақтда семинар иштирокчилари ўз нутқларида таъкидлаганларидек, ёшларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш ҳамма жойларда ҳам етарли даражада фаол олиб борилмаяпти. Мактаблар ва олий ўқув юртларига малакали ҳуқуқшунос ўқитувчиларни юбориш, тегишли адабиётлар, республика қонунчилигидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб яратилган янги дарсликлар билан таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ёш авлодни ўзбек халқининг энг яхши анъаналари ва урф-одатлари асосида, Ватанга муҳаббат, унинг тарихига ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор бериш зарур, дейилди семинарда. Бу ишнинг самарадорлигини ошириш учун таълим тизими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг, жамоатчилик ва ота-оналар кучғайратларини бирлаштириш зарур. Бу ишда маҳалла ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки маҳаллаларда ёшларга ҳуқуқий маданият, умумбашарий маънавият, маънавий қадриятларни англаш асослари сингдирилади.

Семинар иштирокчилари муҳокамадан сўнг Тошкент олий ўқув юртларида бўлиб, талабаларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш ишларини ташкил этиш тажрибаси билан танишдилар.

Семинарда бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев қатнашди.

**Мухбиримиз.**

# НАВРЎЗ ТАДОРИГИ

***Вақт оқар дарё. Ҳадемай қиш ўта чиқадию ўлкамизга Наврўз ташриф буюради. Хўш, бу йил Наврўз байрамини қандай нишонлаймиз? Халқимизнинг ушбу муборак байрамини муносиб кутиб олиш учун нималар қилинмоқда? Хусусан, Халқ таълими вазирлиги томонидан бу борада ишлаб чиқилган тадбирлар ҳақида вазирликнинг маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари» ҳақидаги ташкилий қўмита мажлисининг баённомаси асосида Халқ таълими вазирлиги «Наврўз» умумхалқ байрамини ўтказиш тўғрисида» буйруқ қабул қилди ва уни барча халқ таълими муассасаларига ижро учун жўнатди.

Режалаштирган тадбирларимизга кўра бу йил халқ таълими тизимидаги барча муассасаларда ҳам Наврўз байрами кенг нишонланади. Барча муассасаларимизда февраль-март ойлари «Озодалик ва ободонлаштириш ойлиги» деб эълон қилинган. Бу вақтда тантанали тадбирлар, оммавий сайиллар, кўргазмалар, спорт мусобақалари, концертлар, таниқли кишилар билан учрашувлар, савдо расталари ташкил этилади. Ўқувчи ва педагогик ходимлар, ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла ҳамда хотин-қизлар қўмиталари билан давра суҳбатлари уюштирилади.

Наврўз байрами доираси вилоятларда «Санъат байрами» кўрик-танлови, «Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги», жумладан, «Иқтидорли болалар» олтинчи Республика слёти ўтказилади.

Бундан ташқари Наврўз арафасида фойдаланишга топшириладиган қурилиш иншоотлари — янги боғча ва мактаблар ҳам болаларимиз учун муносиб туҳфа бўлади.

Айтганча, байрамни сермазмун ўтказишларида асқотиб қолар, деган ниятда Республика Таълим маркази томонидан тайёрланган «Наврўз ва маънавий тарбия», «Наврўз ва истиқлол мафкураси» «Иймонни уйғотар Наврўз», «Из истории празднования Навруза» номли услубий тавсияномаларни жойларга юборганмиз.

Бир сўз билан айтганда, бу йил ҳам барча ўқув муассасаларимизда Наврўз байрами эсда қоларли тарзда нишонланади, деган умиддаман. Ҳозирданоқ Наврўзга аталган шеър ва қўшиқлар, рақслар ўргнаётган болаларимиз хушнудлиги эса мамлакатимиз бўйлаб ёйилишига шубҳа йўқ. Чунки, байрам аввало болаларникидир.

**Суҳбатдош**
**И. БЎРИБОЕВ.**

# ГУЛЛАР БАЙРАМИ

Сарлавҳани ўқиган одам ҳайратланиб қолиши ҳам мумкин. «Бу байрам баҳорда бўлиши керак» деб ҳам ўйлаши табиий. Йўқ, бундай тарбиявий тадбирлар хоҳлаган фаслда, хоҳлаган пайтда ўтказилиши мумкин.

Яқинда Тўрткўл туманидаги Пушкин номидаги ўрта мактабнинг 4-»Б» синф ўқувчилари бир дунё қувонч билан «Гуллар байрами»ни ўтказишди. Ўқувчилар қўлларида гуллар билан шеър айтишди, қўшиқ куйлашди, рақсга тушишди, кесма ҳарфлар, топишмоқ ва тез айтишлар, давлат мадҳиясининг янграши, ҳамма-ҳаммаси тарбиявий соатларда мўлжалланган мақсадга мувофиқ кечди.

Синф гуллар билан безатилган, деворда ҳам, дераза олдида ҳам, баҳор тасвири барқ уриб турибди. Гул билан алоқадор нимаики бор, уй безаги, чинни идишлар, куйлаклар ҳақида қизиқарли савол-жавоблар қилинди. Гул мушоираси ўтказилди.

Кечанинг якуний қисмида мактаб ўқитувчиларининг ўзлари ҳам куй-қўшиқларга жўр бўлиб кетишди. Хуллас, гул гўзаллик тимсоли эканлиги намойиш қилинди. Дарҳақиқат, бу хил тарбиявий ишларни расмиятчиликка берилмаган ҳолда оммалаштирсак, фойдадан холи бўлмайди.

**Ўз мухбиримиз.**



# ТАЛАБАЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИЛДИМИ?

**(Боши 1-бетда)**

Педагогика институти ётоқхоналарини топиш анча осон кечди: бизга тушунтиришганидек, институтнинг шундоқ ёнида бир қаватли кўримсизгина 1-талабалар уйи. Унинг ёнида қаерга қарашлилиги номаълум 9 қаватли бино, «яхшиямки» пешлавҳасини осиб қўйишга ҳали улгуришмабди. Акс ҳолда адашиб кетармидик... Шуни айтишади-да, сабр таги..., деб.

Эшик олдида 4-5 нафар талабани учратдик. Шароит ҳақида бир оз суҳбатлашдик. Гап мазмуни «ошхона ишлайди, хонамиз бор, шароит яхши» дан нарига ўтмади. Ўзимни таништирганимдан сўнг айтган гапларига пушаймон қилаётганликлари сезилиб қолди. Улар нималарнидир айтгилари келарди...

Азиз талаба, нимадан андиша қиласиз, сиз ахир Ватаннинг, келажакнинг бешигини тебратгувчи муаллим бўласиз. Сизга шароит керак, муҳит керак. Ётоқхона сиз учун, бу сизнинг уйингиз!

Ичкарига кириб мудира билан танишгач, талабалар яшаётган иккинчи қаватдаги тўғри келган биринчи хонани тақиллатдик. Эшик очилиши билан димоққа куйган ҳид урилди. Мудира югуриб бориб, электр плитани узиб ташлади. Талабанинг илтижосини эшитинг: «Қорним очувди-да, Рая опа, овқат иситаётувдим...». Аҳволни тушунгандирсиз, овқат қиладиган хона ишламайди — қулфланган.

Пастга қайтиб тушдик. Шундоқ шифтдаги қувурлардан сув оқиб ётибди. Деворлар тўкила бошлаган. Мудира маблағ йўқлигидан нолийнолий эшигини сал қаттиқроқ очсангиз девордан ажраб кетар даражадаги, ичкарисидан бадбўй ҳид «уфуриб» турган ювиниш хонаси билан мақтаниб қўйгиси келди, ахир 1-талабалар уйида шу ҳам йўқ-да. «Маънавият ва маърифат» хонасига кирдик. Таъмир ишлари бошлаб юборилибди. Шу орада иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор А. Гафаров, институт касаба уюшмаси қўмитасининг талабалар бўйича муовини Қ. Курбонов, саноат педагогика факультети декан муовини С. Болтаев, маънавий ва маърифий масалалар бўйича 1-проректор А. Қирғизбоевлар ҳам келиб қолишди. Лекин уларнинг ҳеч биридан ётоқхона нима учун ёзда таъмирдан чиқарилмаганлиги ҳақида жўяли фикр ололмадик. Битта баҳона — маблағ йўқлиги. Тўғри, ҳозир шароит оғир. Лекин халқимизда «Излаган имкон топар» деган гаплар ҳам бор, ахир. Хўжалик ишлари бўйича деган ном тадбиркорлик ишлари бўйича проректор дея ўзгартирилибди. Бу фақаттина шакл ўзгариши бўлмаса керак? Қолаверса, ҳар бир институт шартнома асосида талабаларни қабул қилаяпти. Булардан тушган пул қаёққа сарфланаяпти? Яна бир нарса ажаблантиради кишини. Аввалги рейддан сўнг қилинган унча-мунча таъмирлашга маблағ қаердан топилди? Бош вазир ўринбосари ёки вазир келиб кетиши шартмиди? Қачонгача юқоридан кўрсатма ёки текширувни кутамиз?

А. Қирғизбоев институтда маънавий ва маърифий ишлар яхши йўлга қўйилганлигини айтди, қараб чиқдик. Тўғри, институтнинг бош биноси, ўқув бинолари яхши жиҳозланган, кўркам ва озода. Лекин талабалар уйларида бу ҳолатни кўролмадик. Ҳатто 10 декабрдан буён ҳам «Маънавият ва маърифат» хоналари талаб даражасида тайёрлаб қўйилмаган. Ахир, ўтган йилимиз маънавий ва маърифий тадбирларга жуда бой йил бўлди. Шулар ҳақида деворий газеталар, кўргазмалар ташкил қилинса, тадбирлар ўтказилиб турилса бўларди-ку?! Майли, ҳартугул икки марта текширувдан кейин анча ишлар бошланибди: мавжуд 8 та ётоқхонанинг ҳар бир «Маънавият ва маърифат» хонасига буюк алломаларимизнинг 10 тадан портретлари, 5 тадан ёдгорлик суратлари тарқатилиб, «Ўтмиши улуғ, келажаги буюк Ўзбекистоним» деб номланган катта кўргазма тайёр бўлиш арафасида. Яқин кунлар ичида педагогика институти барчага ибрат бўларли ўқув юртига айланса, ажаб эмас. Бунга имкониятлар етади. Ва шундай ҳам бўлиши керак.

Шундан сўнг Тошкент давлат енгил саноат ва тўқимачилик институтига ташриф буюрдик. 3-талабалар уйида, гарчи кеч бўлишига қарамасдан, пахта технологияси ва механика факультети декан муовини М. Аҳмадов, талабалар уйи мудири М. Қорақулов, ётоқхоналар бўйича иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари проректор муовини А. Умиров, «Маънавият ва маърифат» хонасига масъул шахс— шу факультет аспиранти Д. Қувондиқова, 2-курс толибаси А. Шагиева ва бир неча талаба «Маънавият ва маърифат» хонасини жиҳозлаш билан машғул эканлар. Бу ерда ҳар хил тадбирлар ўтказилиб туриларкан. Талаба хоҳлаган вақтида кириб, газета-журнал ва китоблар мутолаа қилиши учун шароитлар муҳайё. Бундан ташқари махсус телевизор кўрадиган хона, талабаларнинг ибодат қилиши учун махсус хоналар ажратилган. Энг қувонарлиси, талабалар ўртасида уюшқоқлик бор.

2-талабалар уйида ҳам худди шу муҳитни кўрасиз. Махсус дам олиш хоналари мавжуд: биров шахмат-шашка ўйнаяпти, биров газета мутолаа қиляпти, биров телевизор томоша қилаяпти. «Маънавият ва маърифат» хонаси деворига осилган «Не курить, не сорить» деган сўзни ҳисобга олмаганда, жуда чиройли тартиб ва дид билан безатилган. Хонага талабаларнинг ўзлари хўжайин. Айниқса, шу бинонинг 1-қаватида жойлашган даволаниш профилакторийсига киргандаёқ ҳар қандай бемор соғайиб кетса, ажаб эмас. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Яхшиси, бир бориб кўринг.

Фақат бизни ранжитгани 1-талабалар уйидаги бир қанча камчиликлар бўлди. Эшик тепасидаги пешлавҳа русча ёзилган. талабалар ювиниш хонасида иссиқ сувнинг босими камлигидан ранжишди. Покистонлик Аршид ва Басид исмли талабалар ҳожатхона деразасида ойна йўқлигидан, унитазлар тўлиқ ишламаслиги, ювиниш хонасида сув жўмраклари йўқлиги туфайли эрталаб ҳар икки хонага навбат кутиб қолаётганликларини куйиниб гапирдилар. Сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли факультет раҳбарлари?

Ҳар бир қаватга телевизор кўрадиган хоналар ажратилган. «Маънавият ва маърифат» хонаси яхши безатилган. Кутубхона ҳам тартибли. Бироқ газеталарнинг кейинги ярим йиллик сонларини тахламга тикиш масъуллар ёдидан чиққанга ўхшайди. Биз яна 6-ётоқхона (эшик тепасида пешлавҳа йўқ) да ҳам бўлдик. Ётоқхона сиртдан ўқийдиган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, кунига 30 сўмдан пул тўлаб туришар экан. Бир қатор камчиликларни кузатдик. Унга институт маъмурияти эътибор қаратади, деган умиддамиз.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида 3 та факультет бўлиб, айни кунда 1500 талаба таҳсил кўрмоқда. Шундан 150 нафари ётоқхонада яшашади. 1-қаватига институтнинг баъзи кафедралари жойлашган, ётоқхонанинг 2-, 3-қаватлари талабалар учун мўлжалланган. Талабалар қишки таътилда бўлганлиги туфайли ётоқхонада одам камчиликни ташкил қилади. Шароитлар билан танишдик. Халқ ижодиёти факультетининг 3-курс талабаси Муҳамедова Муҳайё ётоқхона шароитининг яхшилиги, ҳар иккала қаватда ҳам махсус дам олиш хоналари, «Маънавият ва маърифат» хонаси ва кутубхона борлиги ҳақида гапириб берди. Қаватларга турли хил санъат асарлари осилган ва ибратли сўзлар ёзиб қўйилган. Бу ётоқхонага кўрк бериб турибди, албатта. Лекин айрим русча сўз ва ибораларнинг ҳалиям шиор бўлиб турганлиги, кираверишда пешлавҳанинг йўқлиги ҳуснбузарга ўхшаб қолган. Биз институт биноларини айландик, спорт залларини кўрдик. Қилинаётган ишлар хусусида масъул шахслар билан суҳбатлашдик. Чиройли кўргазмалар тайёрланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Хулоса қиладиган бўлсак, талабалар учун яратилган шароитлар ва маънавий-маърифий ишлар ҳар қалай яхши йўлга қўйилган. Лекин маданият институтига хос бўлган юксак дидга эришиш учун ҳали анча ҳаракат қилиниши лозим.

Ҳаммамиз талабаликнинг гўзал ва унутилмас даврини ўтказганмиз. Кўнглимиз неларга эҳтиёж сезмаган, неларни истамаган... Мана бир гап. Ҳеч эътибор берганмисиз, 1-курсга қабул қилинган талаба тиришқоқлик билан ўқийди, изланади, жамоат ишларида ва маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади. Энг муҳими, буларни ўзига шараф деб билади. Лекин 3-курсга етмасданоқ ўқишдан ҳам, тадбирлардан ҳам совий бошлайди. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз? Муҳит! Аудиториядаги, талабалар уйидаги, қолаверса, уйдаги муҳит сабаб. Қуруқ ваъзхонликдан кўра чиройли муҳит яратиб берганимизда эди, талабалардаги тушкунликни ва тарбиясизликни кўрмаган бўлардик. Энди ўйланг, институтни шу ҳолатда битириб ўз туғилган юртига борган ўқитувчи ёки маданият ходими, қўйингки, олий маълумотли мутахассис одамларга, хусусан, ёшларга қандай ибрат кўрсата олади? Унинг юрагидаги олов сўниб бўлган-ку! Бир машҳур педагогнинг гапи бор: «Ўқувчининг кўнгил торларини қандай чертсанг, у шундай жаранглайди». Ҳурматли олий ўқув юртлари раҳбарлари, келинг, талабанинг кўнгил торларини бир чертиб кўрайлик, қандай жарангларкин! Ана ўшанда талабаларга қандай шароит қандай муҳит керак экан, деб бош ҳам қотирмайсиз, юқоридан кўрсатма ҳам кутмайсиз. Талабаларга ўргатаётган билимингиз ҳам, маънавият ва маърифат, маданият ҳақидаги ваъзларингиз ҳам йўқликка сингиб кетмайди...

**Улуғбек ОДИЛОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Аввало газетамизнинг 86-(1996 йил 13 ноябрь) сонида эълон қилинган «Қандай яшаяпсан, талаба?» сарлавҳали мақоламизда бир неча илмгоҳлар, талабалар уйларидаги аҳвол билан танишиб, Тошкент давлат педагогика институти ётоқхоналарининг ёмон аҳволда эканлиги танқид қилинган эди. Афсуски, мақоламизга на жавоб келди, на у ердаги шароит яхшиланди. Аҳволни эса юқоридаги мақоладан ҳам сезиб олган бўлсангиз керак. Бу камчиликлар ва яна кўпгина чигалликлар, Халқ таълими вазирлигининг бизга тақдим қилган ҳужжатларида кўрсатилишича, 3-4 йилдан бери давом этиб келмоқда, ваҳоланки, ўтган йиллар давомида бир неча бор текширувлар ўтказилган ва тегишли тадбирлар белгиланган.***

***Халқ таълими вазирининг «Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлардаги камчиликлар ҳақида»ги буйруғида юқоридаги фактлар таъкидланиб, ўз ишига бефарқликлари ва тегишли амалий ишлар қилинмаганлиги учун ректор Б. Ғ. Қодировга ҳайфсан эълон қилинган ва белгиланган муддатда аҳволни яхшилаш чораси кўрилмаса, ўз вазифасида қолиш ва қолмаслик масаласи вазирликнинг ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилиши таъкидланган.***

***Навбатчи ўқитувчи С. Йўлдошбеков ва 2-талабалар уйи мудираси Р. Болтаевскаялар иш жойида маст ҳолатда бўлганликлари учун эгаллаб турган лавозимларидан озод этилган.***

***Маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректор А. Қирғизбоев, иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор А. Гафаровларга лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни кўриб, вазирликка таклиф киритиш ректор Б. Қодировга юклатилган.***

**«Маърифат»нинг рейди давом этади.**

*Мактаб кутубхонасига*

# «УЧИНЧИ ЙЎЛ» ҲАҚИДА КИТОБ




Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзининг мустақил ривожланиш йўлини тўғри танлай билгани бугунги кундаги иқтисодий муваффақиятларда кўринмоқда. Бу борада эришилган улкан ютуқларни нафақат асрай билиш, балки ундан-да баланд чўққига чиқишимиз учун аввало ҳозирда мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган ўқувчию талабаларда, умуман олганда юртимизнинг барча фуқароларида Ўзбекистонда янги — бозор иқтисодиётига ўтишда тутилаётган йўл ҳақида тиниқ тасаввур ҳосил қилиш зарур. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан нашр этилган (таржимонлар Б. Эркаев, А. Ёқубов) **«Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти»** китоби ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

— **«Пировард мақсадимиз,** — деди ушбу китоб масъул муҳаррири ҳамда сўз бошиси муаллифи А. Азизхўжаев, — **ижтимоий йўналтирилган барқарор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатига эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бу йўлимиз жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари республикамиз Президенти асарларида тўлақонли қилиб берилган.**

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий ғоялари ва уни амалиётга татбиқ этиш Олмония Федератив Республикаси мисолида кўриб чиқилган бу китоб нимаси билан биз учун ибратли? Бу саволга жавоб топмоқ учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишида амал қилиниши лозим бўлган беш тамойилнинг бири фуқароларни кучли ижтимоий ҳимоялаш зарурати эканлигини билмоқ керак. Бу борада маълум даражада тажриба орттирган Олмония Федератив Республикаси мисолида бу масаланинг асосий ғояларига аниқ далили ва рақамларига таянилган ҳолда ёритилиши ўз ўрнида республикамизнинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўли ҳам ёрқин ҳамда буюк келажак сари етаклашидан дарак беради.

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент.**

*Очиқ дарслар*

# МАҲОРАТ СИНОВЛАРИ

*Яқинда Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўзбек тили ва адабиёти кабинети ташаббуси билан «Курс тингловчиси — 96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бунда Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг 1-тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Минавварxон Низомова, Наманган туманидаги 12-ўрта мактабнинг 2-тоифали ўқитувчиси Гулнорахон Омонуллаева, 23-мактабдан Робахон Абдумажидова, Учқўрғон туманидаги 33-ўрта мактабдан Насибахон Абдусаматова, Тўрақўрғон ўзбек-турк лицейининг моҳир ўқитувчиси Фаридахон Ғаюповалар иштирок этишди. Улар тўрт шарт бўйича беллашдилар.*

*Биринчи шарт саҳна дарси. Ҳар бир ўқитувчи 8 дақиқа ичида янги педагогик технологиядан фойдаланган ҳолда ноанъанавий дарс усулида ўз маҳоратларини намойиш этиб дарс ўтказди. М. Низомова «Компьютер» дарси, Г. Омонуллаева «Истиқлол» дарси, Р. Абдумажидова «Мусобақа»дарси, Н. Абдусаматова «Концерт» дарси, Ф. Ғаюпова «Ўйин» дарси ўтиб, мухлисларда катта таассурот уйғотдилар. Айниқса, Ф. Ғаюpraванинг ўзбек тилига бағишлаб ўтказган дарси ҳакам ҳайъати аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Р. Абдумажидованинг дарси эса илмий савиясининг юқорилиги, табиийлиги билан ажралиб турди. Г. Омонуллаеванинг машғулоти Ўзбекистон Давлат мадҳияси билан бошланиб, 8 дақиқа ичида юртимизга бағишланган куй, қўшиқ ва маҳорат билан ифодали ижро этилган шеърлар янгради.*

*Иккинчи шарт бўйича 5 дақиқа ичида ўқувчиларнинг мактаб формалари намойиш қилиниб, шарҳлаб изоҳланди. Шу билан биргаликда ўқувчи қизларнинг соч турмаклашлари ҳам изоҳлаб берилди.*

*Сўнгги шарт бўйича бир дақиқа ичида педагогик-психологик саволга жавоб тайёрлаб, иштирокчилар ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар. Педагогик-психологик саволлар қизиқарли тузилган бўлиб, уларнинг жавобларини ҳакам ҳайъати жиддий эътибор билан тинглаб одилона баҳолади.*

*«Курс тингловчиси — 96» кўрик-танловининг ғолиблари аниқланди. Биринчи ўринни Тўрақўрғон ўзбек-турк лицейининг ўқитувчиси Фаридахон Ғаюпова, иккинчи ўринни Наманган туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Робахон Абдумажидовалар эгаллашди. Учқўрғон тумани 33-ўрта мактаб ўқитувчиси Насибахон Абдусаматова, Наманган туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси Гулнорахон Омонуллаевалар маҳорати ҳам юқори баҳоланди. Улар «Фахрий ёрлиқ», китоблар, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.*

**Манзура ЭСОНОВА,**
**Наманган ВЎМОИ ўзбек тили ва адабиёти кабинети мудири.**



# ИҚТИСОДГА ИХЛОС БИЛАН

**(Боши 1-бетда)**

— Талабалар кўнгилдагидек таҳсил олишлари учун барча қулайликлар етарли — дейди Тошкент молия институти проректори Ф. Каримов. — Институтимиз барча замонавий ўқув жиҳозларига эга. Ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги чет элларда малака ошириб қайтишган.

Дарҳақиқат, бўлажак иқтисодчи-педагог талабалар зўр қизиқишу ихлос билан машғулотларга қатнашишмоқда. Аммо, бошқа институтнинг об-ҳавосига ўрганган бу ёшлар бу ерда қийналиб қолишмаяптимикан?

— Масалан, мен қийналганим йўқ, — дейди кредит-иқтисод факультетининг аълочи талабаларидан бири Дилшод Тиловов. — Ҳар қалай, педагогика институтининг математика факультетида сабоқ олганим қўл келди шекилли, қолаверса, бу ерда ўрганаётганларимиз жуда қизиқарли, жуда-жуда зарур нарсалар. Насиб бўлса, банк ишлари, кредит-иқтисоди бўйича етук мутахассис бўлмоқчиман...

Ҳа, иштаҳалар чакки эмас. Бироқ, масаланинг бошқа бир томони андак ўйлантириб турибди. Бу азаматлар иқтисод илмларини чуқур ўзлаштириб, Молия институтининг нуфузли дипломини чўнтакка уришгач, мактабларга боришармикан? Ишқилиб, бу олий ўқув юртига «иқтисодчи педагог» бўлиш учун келишганини унутиб қўйишмасмикан?

— **Йўқ, унутиб қўйишмайди,** — дейди кредит-иқтисод факультети декани, профессор Э. Эгамов ишонч билан. — **Чунки улар таҳсилдан сўнг уч йил муддатгача ўрта мактабларда ишлаб бериш мажбуриятини олишган.**

Ҳа, буларнинг барчаси қувонарли ҳол. Иқтисод илмини пухта эгаллаган бу кадрлар яна юзлаб, минглаб ёшларни тарбиялаб етказишга енг шимарадилар. Биз бунга ишонамиз.

**Луқмон БЎРИХОН,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Жарқўрғон туманидаги «Нафосат» болалар боғчаси мослаштирилган бинода жойлашган. Бироқ ўз касбини жон-дилдан севадиган меҳри дарё тарбиячилар барча тадбирларни кўнгилдагидек ўтказишга эришаётирлар. Жажжи болажонларни эртаклар оламига тез-тез сайр эттиришади. Жисмоний тарбия машғулотлари ҳам мунтазам ўтказилади.*

**СУРАТДА:** *боғча ҳаётидан лавҳалар.*

**А. МАМАДАМИНОВ** *олган суратлар.*






*Тажриба, синов, натижа*

# ЎҚИТИШНИНГ МЎЪЖАЗ УСУЛИ

Ўғил-қизларни республика мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашадиган чинакам ватанпарвар, халқпарвар, меҳнатсевар, тилимиз софлиги, маънавий меросимиз учун куйиниб яшайдиган қилиб тарбиялаш, энг аввало, адабиёт фани ўқитувчиларининг зиммасидадир. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларини ўз фанига қизиқтириши, шу фаннинг сеҳрли ва мўъжизали оламига бошлай билиши керак. Шу билан бир қаторда у дарс ўтишнинг ранг-баранг усулларидан фойдаланса, ўзи ижод қилса, нур устига нур бўлади.

Дарвоқе, мен ҳам мазкур ўқув йилида 10-синфда янги дарс усулини тажрибадан ўтказдим. Бу усулни шартли равишда мулоқот дарси деб атадим. Аввало, ўқувчиларга 1-2 ҳафта олдин мулоқот дарси бўлиши айтилади. Бу дарс бирор адиб ижоди тўлиқ ўрганилгач ёки маълум бир давр адабиёт дастурининг бирон бўлимини ўтиб бўлингач ўтказилади.

Мулоқот дарсини ўтказиш учун синф ўқувчилари 3—4 гуруҳга бўлинишиб, стол атрофида давра қуришади. Ҳар бир гуруҳга — даврага рамзий равишда ном берилади. Масалан:

1-стол (давра) — «Зиёкор»
2-стол (давра) — «Қамолот»
3-стол (давра) — «Ижодкор».

Энди ўқитувчи гуруҳларнинг командалар машғулотда ўзларини тутишларини назорат қилиш, синфда тартибни сақлаш, шовқин-сурон кўтарилмаслиги учун қуйидагича жазоловчи ёки рағбатлантирувчи карточкалар тайёрлаб қўяди:

а) қизил — жарима қоғози,
б) яшил — «яхши»,
в) ҳаворанг — «аъло».

Ўқитувчи юқоридаги каби гуруҳларни аниқлаб ном қўйгач, турли рангдаги қоғозларни ҳам ёнидаги стол устига жойлаштиради ва ўқувчиларга бу қоғозларнинг вазифасини тушунтириб огоҳлантиради. Шундан кейин синф ёзув тахтасига қуйидагича жадвал чизилади ва унга гуруҳ номлари, тур рақамлари кабилар ёзиб қўйилади:

| Т/Р | Гуруҳлар | 1 тур | 2 тур | 3 тур | 4 тур | Рағбатлантириш | Жарима | Жами балл | Баҳо | Урни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Зиёкор» | 8 | 7 | 9 | 9 | 1 | | 33 | 5 | 1 |
| 2. | «Камолот» | 6 | 7 | 8 | 10 | 1 | | 31 | 4 | 2 |
| 3. | «Ижодкор» | 5 | 8 | 7 | 10 | | 1 | 30 | 3 | 3 |
| 4. | «Нафосат» | 9 | 9 | 7 | 8 | 1 | | 33 | 5 | 1 |

Энди ўқувчиларга ҳар бир гуруҳ тўрт тур бўйича савол ва топшириқларни бажариши айтилади. Ҳар бир гуруҳнинг ўз бошлиғи тайинланади (ёки сайланади). Бошлиқ ўқувчи столида савол ёки топшириқ ёзилган карточкани олиб гуруҳдошларига ўқиб беради. Гуруҳ аъзолари саволга жавоб бериш учун мулоқот қилишга киришишади.

Саволлар қоғоз карточкаларга ёзилиб, стол устига тескари ўгириб қўйилади. Гуруҳ бошлиқлари келиб биттадан олишади. Ўтириб жавоб тайёрлашади. Жавобга тайёрланиш учун 1 минутдан 3 минутгача вақт берилади. Қайси гуруҳ тайёр бўлса, шу гуруҳдан 1 ўқувчи жавоб беради, бошқалар тинглашади ва жавобни тўлдириши мумкин. Жавобга 10 баллик тизимда балл қўйиб борилади. Ўз навбатида ўқувчиларнинг одоби, интизоми, ўзларини дарсда тутишлари ҳам ҳисобга олиб борилади.

Жадвалда берилганидек, савол ва топшириқлар тўрт турда бўлади (имкониятга қараб 3 ёки 5 ва ҳ.к. бўлиши ҳам мумкин) ва стол устига навбат билан аввал 1-тур топшириқлари ёзилган карточкалар қўйилади. Ҳар бир гуруҳнинг бошлиқлари келиб биттадан карточкани олишади ва ўтириб ўртоқлари билан мулоқотга киришади. Ушбу мулоқот дарсимиз шартли равишда «Адабиёт назарияси ва бадиий ижодкорлик» мавзуида бўлади.

I тур топшириқлари.
Адабиёт назарияси.
1. Лирик тур жанрларини айтинг.
2. Эпик турга қайси жанрлар киради?
3. Драматик тур жанрлари ҳақида сўзланг.
4. Монолог ва диалог нима?

II тур топшириқлари.
Бадиий тасвир воситалари.
1. Ўхшатиш нима? Мисоллар келтиринг.
2. Муболаға ҳақида сўзланг.
3. Сифатлашни мисоллар билан тушунтиринг.
4. Жонлантириш деганда нимани тушунасиз?

III тур топшириқлари.
Бадиий ифодали ўқиш.
1. Монолог ёд айтинг.
2. А. Орипов ёки Э. Воҳидов ижодидан ёд айтинг.
3. Ўзингиз ёқтирган шеър ёки матнни ифодали ёд айтинг.
4. Қизиқарли аския, ҳикоя ёки латифа айтиб хонадагиларни кулдира оласизми?

IV тур топшириқлари.
Ижодкорликни синаш.
1. Ким 3-4 минутда маънодор тўртлик ижод қила олади?
2. Кичик ҳажмли ҳикояча ёза оласизми?
3. Турган хонангизни бадиий тасвирланг.
4. Энг яқин кишингизнинг портрети ёки характерини тасвирланг.

Ҳар тўртала гуруҳ аъзоларининг топшириқларга берган жавоблари (балл ҳисобида) ёзув тахтасига чизилган жадвалга қўйиб борилади. Жадвалда жарима ва рағбатлантирувчи карточкалар сони ҳам қайд этиб борилади. Машғулот сўнгида гуруҳларнинг тўплаган баллари жамланади ва ўринлар аниқланади. Шунга мувофиқ тўплаган балларига қараб ўқувчилар билими баҳоланади. Яна дарсда энг яхши қатнашган интизомли гуруҳ ҳам рағбатлантирилади.

Хуллас, мулоқот усули нафақат адабиёт дарсларида, балки она тили, одобнома, тарбиявий соат каби дарс ва машғулотларда ҳам яхши самара бермоқда.

**Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Тойлоқ туманидаги 46-ўрта мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

## БАЙРАМ ФАЙЗЛИ ЎТДИ

**Шайхонтоҳур туманидаги Ғафур Ғулом номли 169-ўрта мактабда лотин алифбосига бағишланган «Алифбе байрами» бўлиб ўтди. Чиройли қилиб безатилган залга кираркансиз, беихтиёр болажонларнинг юракларига сиғмаётган шодлик сизга ҳам ўтиб, кайфиятингиз кўтарилади. Эндигина 7 ёшга тўлиб мактабга қадам қўйган, қисқа фурсат ичида лотин алифбосини иштиёқ билан ўрганиб олган жажжилар устоз, Ватан ҳақида шунчалар чиройли шеърлар, куй-қўшиқлар айтишдики, байрамга келган барчанинг кўнгли завқ-шавққа тўлди. Кеча сўнггида мактабгача тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Маъсуда Бадалова ўқишда ўрнак бўлаётган ўқувчиларга мақтов ёрлиқлари топшириб, уларни байрам билан муборакбод этди. Файзли ўтган бу байрам ўқувчилар ва ота-оналарда катта таассурот қолдирди.**

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**

*Бухоро янгиликлари*

## ИҚТИСОД ДАРСЛАРИ

1996-97 ўқув йилининг биринчи кунидаёқ Бухоро туманидаги деярли барча мактабларда иқтисод дарсларини (34 соат) ўқитиш йўлга қўйилган. Бу ўринда 4-ўрта мактабдан Гуландом Тўхтаева, 33-ўрта мактабдан Саида Ҳалимова, 26-ўрта мактабдан Ф. Раҳматова каби тажрибали муаллимларнинг дарслари ёшларда яхши таассурот қолдираяпти.

## ЭКОЛОГИЯ СИНФЛАРИ

Бухоро тумани мактабларида 7 та экология синфлари ташкил этилган. Уларда ўқувчиларга табиатни севиш ва асраш бўйича чуқурлаштирилган дарслар ўтилаяпти. Айниқса, 1, 3, 16, 4-мактаблардаги худди шундай синфларда ўтилаётган экологияга оид машғулотлар ёшларга манзур бўлаётир.

**Дилмурод ЖАББОРОВ.**

*Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам*

# ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДАН НАМУНАЛАР

«Гулшан» она тили дарслиги ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини ривожлантириш, дастлабки грамматик билимларни сингдириш, чиройли ва саводли ёзишга ҳамда оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришга қаратилган бўлиб, мужассам ҳолда билим беришга мўлжалланган.

Қуйида дарс намуналари берилади. Ўқитувчилар улардан ижодий фойдаланишлари учун «Бошланғич таълим» журналининг 6-сонида тахминий режа берилди.

**1-дарс. Мавзу:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби ва Давлат Байроғи.

Дарс учун керакли жиҳозлар: Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби ва Байроғи.

**Дарснинг мақсади:** Болалар давлат рамзлари билан таништирилади. Ўқитувчи аввалдан ҳозирлаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби ва Байроғини болаларга кўрсатиб, унинг моҳиятини тушунтиради.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз муқаддас герби, байроғи бўлади. Болаларга «Она тили» китоби тарқатилади. Муқовадаги расмга болалар эътибори жалб этилади. Ҳумо қушининг эл-юртимиз, мамлакатимизга бахт-саодат, осойишталик келтиргани, шунинг учун барча бахтли болалар яйраб ўсаётганлари, мана, бугун шундай чиройли китоб, дафтарлар олиб ўқиётганлари мисоллар билан тушунтирилади.

Гербнинг марказида бахт ва эркесеварлик рамзи қанотларини ёйган ҳумо қуши тасвирланган. Бошоқлар ва пахта чаноқларини қамраб олган лента, республикамиздаги яшаётган халқларнинг бирлигини англатади.

Дам олиш дақиқасида: «Ҳумо қушим учиб келди, бахт-саодат олиб келди» деб худди қуш каби учаётган ҳолатга киришади.

Сўнг ўқитувчи китоб саҳифасида тасвирланган Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғига болалар эътиборини қаратади.

Ўқитувчи аввалдан тайёрлаб қўйилган байроқчалар андозасини болаларга тарқатади. Болалар синфдаги катта байроққа қараб; андозани бўяйдилар. Сўнг «Ғунча» журналининг 1996 йил 7-сонида академик Алибек Рустамовнинг «Байроқ нима?» мақоласи болаларга ўқиб берилади. Сўнг улар расм дафтарларига байроқчалар чизишади.

**2-дарс. Мавзу:** Ўзбекистон — менинг Ватаним.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси.

Дарс учун керакли жиҳозлар: мадҳия ёзилган плакат, Ватанимизнинг гўзал жойлари тасвирланган расмлар, китоблар.

**Дарснинг мақсади:** Болаларда Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини тарбиялаш.

Дарс аввалдан магнит тасмасига ёзиб қўйилган мадҳияни эшитиришдан бошланади. Болалар унга жўр бўлишга ундалади. Ўқувчиларда кўтаринки руҳ пайдо қилинади. Шундан сўнг мадҳия мазмуни ўқувчилар тушунчасига мос қилиб уқтирилади. Она-Ватанимизнинг кенг ва бадавлат эканлиги, унда яшаётган барча миллат, халқлар дўст, иноқлиги, илм-фандан баҳраманд бўлаётганлари ҳақида мисоллар келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси ўқиб берилади. Шеърни шоир Абдулла Орипов ёзгани, мусиқасини Мутал Бурхонов басталагани айтилади. Уни ҳамма ёд билиши ва куйлаши зарурлиги эслатилади.

**3-4-дарслар. Мавзу:** Ўзбекистон.

**Дарснинг мақсади:** Болаларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, ихлос уйғотиш.

Дарсга керакли жиҳозлар: шўх куй ёзилган магнит тасмаси, тарқатма дидактик карточкалар. Ўлкамизнинг гўзал жойлари тасвирланган суратлар.

Дарс куй эшиттириш билан бошланади. Болаларда жўшқин кайфият пайдо қилинади. Сўнг олдинги дарсда ўқиган ва ўрганган Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси ҳақида сўралади:

— Мадҳия матнини ким ёзган?
— Мусиқасини-чи?
— Мадҳияда нималар дейилган?

Сўнг болалар жўр бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини айтадилар. Шоира Муҳаббат Туробова Ватанимизни шундай чиройли сўзлар билан таърифлайди:

ЎЗБЕКИСТОН

Қучоғингда яйраймиз
хўп,
Шўх булбулдай
сайраймиз хўп.
Айтса, айтар хислатларинг кўп.
Гулшан диёр — Ўзбекистон,
Бағри баҳор — Ўзбекистон.

— Шеър сизга ёқдими? — деб сўралади. Болалар жавоби умумлаштирилади. Шеър болаларга навбат билан ўқитилади.

Дарслик саҳифасидаги расмни томоша қилиш, унда кўрганларини таърифлаб бериш топшириғи берилади. Шундан сўнг болаларга карточкалар тарқатилади.

Болалар карточкалардаги бўш жойларга мос сўзлар танлаб, уни тўлдирадилар. Дам олиш дақиқасида: Ватаним кўркам, У менинг ўлкам шеърини ёд айтиб, рақсга тушаётгандек ҳаракатлар қиладилар.

«Ўзбекистон» шеърини ўқиганда ифодалиликка эътибор бериш, ҳар бир мисра охиридаги тиниш белгиларга аҳамият қилиш ўргатилади. Сўнг «Булбул чаманни севар, одам — Ватанни» мақоли ёд олдирилади ва маъноси тушунтирилади.

**5-6-дарслар. Мавзу:** Гап ҳақида тушунча бериш. Дарсга керакли қуроллар: расмлар, тарқатма дидактик карточкалар; ўйинчоқлар, китоблар.

**Дарснинг мақсади:** Болаларга гап ҳақида тушунча бериш, саводли ёзув уқувларини ривожлантириш.

Болалардан она-Ватан ҳақидаги таассуротлар сўралади. Ҳар бир инсон она-Ватани билан фахрланиши зарурлиги мисоллар билан тушунтирилади. Сўнг 1-машқни бажариш усуллари кўрсатилади. Tong otdi. Quyosh chiqdi. Olam go'zal bo'ldi... Буларнинг ҳар бири гап эканлигини, чунки улар маъно ҳосил этаётганлиги, яъни тонг отганлигини, қуёш чиққанлигини ифодалаётгани, ундан сўнг фикр давом этаётганлиги изоҳланади.

Ҳар бир сўзни тўғри талаффуз этиш машқи ўтказилади. Расмлар кўрсатилиб, уларнинг номи сўралади. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузиб, кесма ҳарфлар ёрдамида ёздирилади. Мактаб, синф, ўқитувчи сўзлари иштирокида гаплар тузиб, хаттахтага ёзилади. Тарқатма дидактик материаллар улашилади. Уларда: Odil... keldi. Saida ... o'qidi. Malika ... yozdi, гапларини тўлдириб ёзиш айтилади.

2-машқни бажариш тартиби тушунтирилади. Vatan, Toshkent, el-yurt, o'lka сўзлари иштирокида гаплар тузилади. Гаплар сўзларга ажратилади. Сўзлар кесма ҳарфлар билан ёзилгач, 2-ёзув дафтарига тўғри, чиройли қилиб кўчириш топшириғи берилади.

Болалардан қаерда яшашлари, манзиллари сўралади. Жавобларини эса дафтарларига ёзадилар. Shahar, qishloq, tuman, daha, mahalla, ko'cha сўзларининг маъноси мисоллар билан шарҳланади.

2-ёзув дафтарларига: Men ona-Vatanimni sevaman. El-yurtimiz tinch, o'lkamiz keng va obod гапларини ёзадилар. Ёзувларнинг тўғри ва чиройли бўлиши назорат қилинади.

Дарс якунида болалардан бугун нималар ўрганганлари ҳақида сўралади. Дарсда фаоллик кўрсатган ва дафтарларига чиройли ёзган ўқувчилар алоҳида таъкидланади ва бошқа ўқувчиларнинг ҳам уларга тенглашиши учун нималарга эътибор беришлари айтилади.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА.**
**(Давоми бор).**

*Олимпиада-97*

## ЁШ МАТЕМАТИКЛАР СИНАШИШДИ

Яқинда математика бўйича Тошкент шаҳар олимпиадаси бўлиб ўтди.

Мазкур кучлилар синовига шаҳар мактабларининг 48 нафар сара ўқувчиси иштирок этди. Улар икки босқичда ўз билимларини намоён этишди.

9-синфлар ўртасида Ҳамза туманидаги 166-мактаб ўқувчиси Анастасия Корбутга тенг келадигани топилмади. С. Сирожиддинов номидаги республика физика-математика лицейининг 10-синф ўқувчиси Бунёд Халилов ўз тенгдошлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Тошкент ўғил болалар лицейининг 11-синф ўқувчиси Дилшод Меҳмонов мазкур синфлар орасида биринчи бўлди. Яна у белгиланган балл (75 балл)ни тўплагани учун республика босқичига йўлланма олди. Олимпиада жуда уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, мезбонлар — Чилонзор туманидаги 164- ва 195-мактаблар маъмурияти олимпиаданинг самарали ўтишига катта ҳисса қўшишди.

**Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,**
**РТМ физика-математика ва астрономия бўлими бошлиғи ўринбосари.**

*Яхшилар орамизда*



## ШИРИНБОЙ АКАНИНГ ШИРИН УМРИ

Инсон дунёга келибдики, камолотга талпиниб яшайди. Бу йўлда турфа хил тўсиқларни енгиб ўтади. Илк ҳаяжонлар, илк муваффақиятлар, илк ғалабалар, албатта, мактаб, билим юрти остоналарида, синф хоналарида рўй беради. Кўп ҳолларда умрнинг қандай кечиши ҳам шунга боғлиқ бўлиб қолади. Тўғри, баъзи бир кишилар ҳаётда ўз ўрнини тополмаганидан нолишади. Бунда тақдирни, турмушни айблашади. Аслида ҳам шундаймикан? Балки... Лекин шоир айтганидек, тақдирни ўзи яратур одам. Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 11-ўрта мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ширинбой ака Ўринов билан гурунглашяпман-у хаёлимдан шу ўйлар ўтди.

Мингдан ошиқ ёшларнинг устози бўлмиш Ширинбой ака қарийб 30 йилдан бери тумандаги бир қатор мактабларда муаллимлик, қолаверса, раҳбарлик қилиб келмоқда. Оддий ўқитувчиликдан мактаб илмий бўлим мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтган. Аҳамиятли томони шундаки, Ширинбой ака оиласининг деярли кўпчилиги ота касбини танлашган. Ўғли Алишер зиё масканида ўғил-қизларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ беради. Қизи Ноила эса бошланғич таълим фани муаллимаси.

Бухоро давлат педагогика институтининг математика факультетини тамомлагач, ўз иш фаолиятини мазкур мактабда оддий ўқитувчи сифатида бошлаган. Ширинбой ака бир неча йилдан буён илмий бўлим мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида у катта жамоага бошчилик қилиш билан бирга моҳир педагог, тарбиячи-ташкилотчи сифатида танилиб келди.

Доимо ёшларга жуда ҳам ғамхўр. У мактабга эндигина келган ёш мутахассислар билан кўп ишлайди, билмаган нарсаларини эринмасдан ўргатади.

Аслида математикларнинг ҳаёти, уларнинг яшаш шароити ҳавас қилса арзигулик эканлигини кўпчилигимиз яхши биламиз. Сабаби, уларнинг ҳар бир дақиқаси ҳисобли, тартиб билан ишлайдилар. Бошқалар бир кунда қилиб улгурмаган ишларни улар бир неча соатлар ичида бажаришлари мумкин. Яна математикани — аниқ билимлар мажмуаси ҳам дейишади. У кишидан қобилият билан бирга тинимсиз меҳнат ва изланишни ҳам талаб қилади. Шу боисдан бўлса керак, математика фанига илк бор мунажжимлар эҳтиёж сездилар. Мирзо Улуғбек жадвалидаги аниқликлар XVIII асргача ўз қимматини ва аҳамиятини йўқотмади. Негаки бу жадвал обдон ўйлаб, жуда аниқлик билан тузилган.

Қисқаси, теран ўйлаш ва фикр юритиш, ўткир зеҳн ва хотира, масалаларни тез ва аниқ ҳал этиш Ширинбой ака Ўриновга хос хусусиятдир.

**Улуғбек АКТАМ ўғли.**

(Боши 1-бетда)



# ШАМСИДДИННИНГ «КЕЙС»И

Ўтган йилги ғалла ўрим йиғими мавсумида Шамсиддинга мурожаат қилувчи жуда кўпайиб кетди. У ўзи яшайдиган Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигининг Кўтара, Қангли, Кўбай, Туркман, Асад, Девона қишлоқлари ва Халқобод қўрғонида яшовчи юзлаб кишиларнинг буғдойини сифатли янчиб берди. Уларнинг хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

— Шамсиддиннинг комбайни ҳақиқатан мақтовга лойиқ, — дейди Кубай қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Бадриддин бобо. — Илоё, барака топсин. Унинг хизмати туфайли салкам юз кило ғалла фойдага қолди. Сомонининг майдалигини айтмайсизми?

Шамсиддин Турсунов олий маълумотли педагог. У Тошкентдаги Низомий номли педагогика олийгоҳининг умумий техника ва меҳнат куллиётини битирган. Ҳозир тумандаги Ҳ. Абдуллаев номли 43-таянч мактабида устахона мудири ҳамда меҳнат муаллими бўлиб ишлаяпти. Билим даргоҳида бўлсангиз у ерда Шамсиддиннинг қўли билан бунёд этилган кўплаб стенд ва экспонатларга кўзингиз тушади. Ўқувчилар унинг раҳбарлигида дурадгорлик сир-синоатларини ўрганишмоқда. Билимдон ва тиришқоқ йигит шу кеча-кундузда ҳам изланишда.

Мен Шамсиддиндан «Ихтиродан бирон моддий манфаатдорлик келаяптими?» деб сўрайман.

— Албатта, — дейди у. — Аммо гап фойдада эмас. Элюртга келадиган нафда. Мен юртдошларим учун озми-кўп фойдам тегаётганидан хурсандман. Насиб этса келгусида ана шундай комбайнлардан ясаб, деҳқон-фермер хўжаликларига сотмоқчиман. Фақаттина битта эзгу ниятим бор. Мазкур ихтиро меники эканлигини кишилар расман тан олишса бас.

Дарҳақиқат, Шамсиддиннинг гапида жон бор. Биров яратган янгиликка иккинчи бир кишининг эга чиқиб кетган ҳоллар жуда кўп бўлган ҳаётда. Унинг бу ихтироси тегишли мутасадди ташкилотларнинг диққат-эътиборини тортса нур устига аъло нур бўлур эди. Халқимизда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган ажойиб мақол бор. Шамсиддиннинг бу кашфиёти тегишли идоралар томонидан тан олиниб, унга муаллифлиқ ҳуқуқини билдирувчи тегишли ҳужжат берилса, ҳақиқий тер тўкиб қилинган ҳалол меҳнат ўз қадрини топган бўлур эди.

**Ўткир САИДОВ,**
**журналист.**

**Суратда:** *Ш. Турсунов ўз ихтироси ёнида.*

*Акс-садо*

# БАРДАМ БЎЛИНГ, ДОМЛА

«Маърифат»нинг 1996 йил 1 декабр сонида қишлоқ ўқитувчиси Даврон Раҳмоновнинг математиканинг учта муаммосига бағишланган хулосалари билан танишдим. Мен математик эмасман, аммо математикани ҳурмат қиламан. Формулаларга тушунмайман, лекин аниқ биламанки, математика рақамлар орқали, формулалар орқали фикр юритади, хулосалар чиқаради. Аммо кашфиёт ҳақида гап кетса, мен хурсанд бўламан. Фидойиларгина бундай ишларни қила олади. Тарих ҳам бунинг исботидир. Яратувчи одам барибир юзага чиқади. Мен бу кашфиёт қандай бўлишидан қатъий назар Раҳмоновдан хурсандман.

Раҳмат! Юртимиз кашфиётчиларга бой бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши аниқ. Домла, ишларингиз билан эл-юрт назарига тушдингиз, балки оламшумул воқеаларга ҳам бир қадам қолгандир — ажиб дунё... Бундан кейинги ишларингизда Сизга куч-қувват ва ижодкорлик тилайман.

**Тоҳир РЎЗИБОЕВ,**
**Тўрткўл туманидаги 5-лицейнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.**

*Очиқ мулоқот*

Утган йили республика бўйича йўлда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сони 10601 тани ташкил этди. Улар натижасида 1800 киши ҳаётдан абадий кўз юмди. Ачинарлиси, 3806 нафар ўғил-қиз йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлар. Оқибатда уларнинг 2843 нафари енгил ва оғир тан жароҳати олган. 457 нафари эса бахтсиз ҳодисалардан ҳалок бўлишган. Тошкент шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида 1995 йилга нисбатан яхши кўрсаткичларга эришилган бўлса-да, ҳали бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган талайгина муаммолар бор. Туманларда шахсий автомобилларни техника кўригига жалб этиш, пиёдалар ҳаракатини тартибга солиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, иш услубини авария ҳолатларининг чуқур таҳлилини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш лозим. Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ ходимларининг журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциясида ана шу каби масалалар ва ДАНда жорий этилаётган янгиликлар хусусида сўз борди.

# ФАҚАТ НИЯТ КИФОЯ ЭМАС

Даставвал, Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Маҳмуд Юсуповнинг 1996 йилда қилинган ишлар ва ДАНБ томонидан келгусида амалга ошириладиган вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сўнгра ИИББ ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров, милиция подполковнигиМихаил Татарников ва бошқалар журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Маълумотларга кўра, шаҳарда фақат шахсий транспорт воситалари 20 мингга кўпайган, ДАНБ шахсий таркиби эса ўсмаган. Шунга қарамасдан, бу тизимда қаттиқ интизом асосида қатор муваффақиятларга эришилгани кишини қувонтиради. Бироқ, бу соҳада зудлик билан ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, илм масканларида ўғил-қизларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишни ДАН ходимлари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ҳозир шаҳар кўчаларида автомобилларни ювувчи (айниқса,чорраҳаларда бу иш билан машғуллар ҳаёти ҳар дам хавф остида)болалар сони ортиб боряпти. Эҳтимол, ўқувчиларнинг бу борадаги уринишларини қоралаб бўлмас. Негаки, улар қайси бир маънода ота-оналарига оила бюджетини тўлдиришга баҳоли қудрат кўмак беришяпти. Аммо, барибир, бу «хизматчи»ларга махсус жой ажратиш ёки бу борада қандайдир тартиб ўрнатиш лозим бўлади.

Кейинги пайтларда Президентимиз томонидан маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Энди маҳаллаларда ҳам кенг кўламли ишлар ва тадбирлар олиб борилмоғи лозим. Очиқ мулоқотда бирон-бир маҳалла ёки мактаб тажрибаси тилга олинмагани бизни қаттиқ ўйга толдирди. Демоқчимизки, маҳалла фаоллари ҳар хил жиноятларнинг олдини олишда, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда милиция ходимлари билан ҳамкор, ҳамфикр бўлмоқликлари шарт. Хуллас, ҳамма соҳада ҳамкорликка таянилса, қатор-қатор муваффақиятларга эришилиши шубҳасиздир.

**Қ. МАТҚУРБОНОВ.**

*Хуллас...*

## ЭТИК КИЙГАН ИТЛАР

Янги Зеландиянинг Велингтон шаҳри аҳолиси кўча-кўйда оёғига этик кийдирилган, миршаблар етовида юрган итларни кўриб, ҳайрат билан ёқаларининг очиқ жойидан кўкракларига «туф-туф» қилишмоқда. Йўқ, бу шунчаки тўқликка шўхлик ёки замонавий одат эмас. Маҳаллий полициячилар ресторан, барларда тез-тез юз бериб қоладиган ур-тўполон пайти, идиш-товоқларнинг синиқларидан ўз садоқатли овчаркаларининг оёқлари жароҳатланмасликлари учун шундай чора-тадбирга мажбур бўлмоқдалар...

## 90 ЁШЛИ ТАЛАБА

Ҳа, англиялик қария Женни Витериж «Бешикдан қабргача илм изла» деган машҳур ҳадиси шарифга ўзи билмаган ҳолда амал қилиб юборди. У 83 ёшида чет тилларини ўрганишга киришиб, мана, 90 ёшида, яъни 7 йиллик муддатда немис, француз, испан ва итальян тилларини пухтагина ўрганиб олди. Унинг аъло даражада топширган имтиҳонларига домлалар ҳам қойил қолишди.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ ТЕЛЕФОНЛАР!

Жамоат жойларда ўрнатилган телефонлар кишилар соғлиғига хавфли эмиш. Жанубий кореялик мутахассис олимлар шундай хулосага келишди. Махсус комиссия катта дўконлардаги ресторану ошхоналардаги телефон мосламаларини текшириб кўрганда, телефон трубкаларида зотилжам, турли ошқозон-ичак касалликларини қўзғайдиган микробларни аниқладилар. Ваҳоланки, бу ўлкада жамоатчилик жойлари тез-тез ўткир дорилар билан дизенфекция қилиб туриладиди.

*ана шунақа гаплар*

*Футбол*

# МДҲ ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ БОШЛАНАДИ

Мана, беш йилдан буён мунтазам давом этиб келаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлар кубоги мусобақаси бир неча кундан сўнг бошланади. Бу нуфузли мусобақа ҳар доимгидек 25 январдан 2 февралга қадар Москва шаҳридаги ёпиқ стадионларда ўтказилади. МДҲ чемпионлар кубоги мусобақасида Ватанимиз шарафини ўтган йилги миллий чемпионатимиз ғолиби Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси ҳимоя қилади. Мусобақада жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган. Ҳамюртларимиз «А» гуруҳида Россия чемпионининг «Спартак», Молдованинг «Зимбру» ҳамда Озарбайжоннинг «Нефтчи» командалари билан ўзаро куч синашади.

Ҳа, «Навбаҳор» командаси иштирокидаги ўйинлар кескин ва муросасиз кечиши аниқ. Сабаби, ўзининг такрорланмас ўйинлари билан дунёга донғи кетган Москванинг «Спартак» командасига қарши ўйнаш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли.

Ҳамюртларимизнинг бу обрўли мусобақада зафар қучишини хоҳлаймиз ва бунга ҳақлимиз. Чунки «Навбаҳор» ҳам Ўзбекистон чемпиони. Ўзбекистондек қудратли мамлакатнинг чемпиони сафардан қуруқ қайтмайди. «Навбаҳор»га биз ишонамиз. Зеро ишонч мисқоллаб йиғилади. Ана шу ишончни «Навбаҳор» оқлайди деб умид қиламиз.

**Хайрулло ЖУМАЕВ.**

# ФУТБОЛ МАКТАБИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ЧИЗИЛДИ

Қашқа воҳаси футбол ишқибозларининг яна бир орзулари ушалди. Яқинда вилоят ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигию вилоят халқ таълими бошқармасининг талабларига мос юритаётган тадбирларининг яна бир маҳсули сифатида Қарши шаҳрида вилоят футбол умумий таълим интернат мактаби иш бошлади.

Айни кунда ушбу махсус футбол интернатида вилоят туманларидан танлаб олинган 100 нафар 5-синф ўқувчилари таълим олишмоқда. Уларга Республика миқёсидаги мураббий Шуҳрат Бўриев футбол сирларини ўргатаётир.

**— Махсус мактаб-интернат ҳозирча вилоят ёшлар ижодиёт марказида ташкил этилди,** — дейди Қашқадарё вилояти футбол умумий таълим мактаби-интернати директори Камол Рузиев биз билан бўлган суҳбатда. — **Барибир ҳам, керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Аниқ айтадиган бўлсам, ўқув хоналаримиз, махсус ўйингоҳу машғулотлар ўтказиш хоналаримиз, овқатланиш ва ётоқхоналаримиз, қолаверса, ювиниш ва чўмилиш ҳавзаларимиз бор. Шахсан, вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан футбол мактаб-интернатига янги бино қуриш учун жой ажратиб берилди, қурилиш лойиҳаси ҳужжатлари тахтланди. Насиб бўлса, 1997 йилда ёш футболчиларга ҳам бино қуриб берилиши кўзда тутилмоқда.**

Дарҳақиқат, махсус интернат-мактабда ёш футболчиларга керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Ўқувчиларнинг фан асосларидан илм олишида, машғулотлар ўтказишида, еб-ичишию ётиб туришида камчилик йўқ. Ёш футболчиларни жисмонан чиниқтириб бориш мақсадида илм масканида турли-туман спорт турлари бўйича тўгарак машғулотлари ҳам йўлга қўйиб юборилди. Айниқса, қатор мусобақалар ғолиби, миллий кураш бўйича шу йил соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўйилган «Нексия» енгил машинасини қўлга киритган қашқадарёлик полвон, халқаро тоифадаги спорт устаси Баҳром полвон Авазов раҳбарлик қилаётган «Миллий кураш» тўгарагига ҳам кўплаб ёш футболчилар қатнашмоқдалар.

Қарши шаҳрида Қашқадарё футболининг камолот бешиги яратилди. Насиб бўлса, бу борадаги ҳамма ишларнинг келажаги яхши бўлади. Иймонимиз комилки, кун ўтиб бир кун Қашқа воҳасидан ҳам жаҳонга таниқли бўлган футболчилар етишиб чиқади.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

# ТУШУНМАДИМ

*Ҳажвия*

*Қарилик қурсин. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз турардим. Ўғлим келиним билан тез-тез хабар олиб турарди. Яқинда ўғлим келиб, қўярда-қўймай **«дом»**ига олиб кетди. «Уригидан данаги ширин» деганларидек, бири-биридан ширин-шакар невараларим қучоғида хуп яйраб, ёзниям ўтказдим. Ўғлим билан келиним эрталаб ишга кетиб, кечқурун қайтадилар. Мен невараларим билан **дом**да қоламан. Мактаб бошландию ташвишим ортди. Невараларимни мактабга кузатиш менинг зиммамда. Уларни **проспект**дан ўтказиб қўйиб, домга қайтаман. Бугун ҳам невараларимни кузатгани кўчага чиқдим. Оппоқ кийинган, хилма-хил, чиройли сўмкачаларни орқаларига осиб олган болаларни кўриб, кўзинг қувонади. Невараларим эса **салапан пакет**га китоб-дафтарларини жойлаб, қўлида осилтириб кетишаяпти. Шуни кўриб юрагим ачишади. Каникул пайтида невараларимга **сўмка-пўмка** обқўйиш **сапсем** эсимдан чиқибди. Мактабга кетаётган болаларни кўриб, эсимга тушди. Илгарироқ **вапше** ёдимга келмапти...*

*Қарилик қурсин. Озгина юриб чарчаб қопман. **Дом**га келдиму чўзилдим. **Дом** бир ўзимни ютаман дейди. Ухлаб қопман. Эшик званогидан уйғониб кетдим. Невараларим мактабдан келишибди. Улар узун-қисқа бўлишиб, эшикдан кириши билан бирин-кетин:*

*— Менга **«чипси»** ва **пламастер** олиб берар экансиз...*

*— Менга **«лейкопластер»** керак экан...*

*— Менга **«пластилин ва краска»...***

*— Менга **резинка, клей, клеткали ва линейний** дафтар...*

*— Линейка, фартук...*

*— Ҳамма **рюзак сўмка** кўтарибди, мен бўлсам... Энг кичик неварам бечора йиғламоқдан бери бўлиб, мунғайиб турибди, кўзини пирпиратиб...*

*— Неча пул экан, ўша? — сўрадим мен.*

*— Тўрт юз тўқсон сўм, холос...*

*— ...*

*— Хуп, **пенсиям** чиқсин, обераман, — деб зўрға қутулдим. Шундан кейин **обед**га уннадим.*

*Адаси ёки ойисига айтолмайди, бечоралар. Жаҳли тез, уришиб беради. Шундан ҳайиқишади.*

*Қариликми ёки худобехабар бўпқопманми, уларнинг биттаям сўзларига тушунмадим. Ўлай агар.*

*Ахир, раҳбарларимиз «Ўзбекистонда ҳамма ўзбекча гапирсин», деган **приказ** берувди, шекилли? Ё мен янглиш эшитибманми? Шунгаям беш-олти йил бўпқолди-ёв, чамамда. Шундай **приказ** берган ҳукуматимизга **маладес**! Бўлмаса менга ўхшаган ўрисчани билмайдиганлар кўчагаям чиқолмай қолувдик. Шунга қарамай **«чипси, рюзак, пластилин, пламастер, лейкопластер, клеткали, линейний» деганлари қаёқдан чиқдийкин-а?!***

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси.**

# ЎРИНБОСАРНИНГ «ҚИММАТЛИ» ВАҚТИ

Кейинги пайтларда раҳбарлик курсисида ўтирган айрим шахсларнинг матбуот ходимларидан ўзларини олиб қочишлари, керакли факт ва рақамларни беришдан бўйин товлаётганликлари ҳақида кўп гапирилаяпти. Жумладан, айрим таълим масканларида ҳам баъзи бир мансабдор шахсларнинг ҳанузгача қўпол, нописанд: «сен кимсан?», дея муносабатда бўлаётганидан рости таажжубга тушасиз. Келинг, яхшиси муддаога кўчайлик...

Таҳририят топшириғи билан яқинда Республика олимпия ўринбосарлари тайёрлаш билим юртига йўлимиз тушди. Мақсадимиз Республика Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бир йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватанимиз футболининг нуфузини ошириш борасида бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, бу ердаги тартиб-қоидалар ҳақида вилоятларда янги очилган футбол мактаб-интернатларига ёрдам бўлсин дея ёзмоқчи эдик.

Спорт интернати дарвозасидан ичкарига кираверишдаёқ узун бўйли, тўладан келган рус кишиси билан юзма-юз келдик. Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари В. Л. Некрасовский деган жаноб шу киши экан.

Биз у кишига холис ниятимизни айтдик. Спорт мактабидаги мавжуд залларни, синф хоналарини, ётоқхоналарни кўздан кечириб, болалар билан суҳбатлашиш ниятимиз бор, деганимизни биламан, суҳбатдошимизнинг авзойи бирдан ўзгарди. «Қайси газета дедингиз?», «Маърифат» газетаси... Қўйинг, шошиб турибман, — деди у.

— Эртага вақтингиз бўлар, — секингина сўраймиз директор ўринбосаридан.

— Эртага менинг шахсий юмушларим бор.

— Индин-чи?

— Яхшиси ука, сиз шанба куни келинг. Унгача мен директоримиздан рухсат олиб қўяман. Ана шунда бафуржа ўтириб, мақола ёзиш имкониятига эга бўласиз, — дея биздан тезда узоқлашди. Шанба эса.

Мустақил Ватанимизда барча миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, фарахбахш кунда Некрасовскийдек раҳбар кишиларнинг маънавий даражаси шундай бўлса? Наҳотки, бундай кимсалар матбуот вакилларини назарга илмаса?!

Ёхуд бу ишлар билан юраги юртим деб жизиллайдиган, инсонлар шуғулланиши керак эмасми?

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**




Тошкент юридик коллежи томонидан Аликулов Хусниддин Маликовичга 1995 йилда берилган № 096534 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамда жамоаси психология кафедрасининг мудираси Мовлуда Қоплоновага онаси

Рихси ШОРАҲИМОВА

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Луқмон БУРИЕВ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022.Тиражи 46.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6